



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ХИВАДА УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 5 апрель куни ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Қадимий Хива шаҳрида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳамда кўпайтириш, иқтисодийнинг муҳим тармоқларида кооперация алоқаларини

ривожлантириш, транспорт ва энергетика соҳаларида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, гуманитар дастурларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидagi масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ў.А.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ



Ўзбекистон — Қозоғистон: МУШТАРАК ТАРИХ ВА УМУМИЙ ФАРОВОНЛИККА СОДИҚЛИК НАМУНАСИ

5 апрель куни Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон энг яқин қўшни ҳамда иттифоқчи давлатлардир. Уларнинг муносабатлари умумий дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида қурилган.

Ҳар икки давлат ҳам минтақавий шериклик кун тартибидан изчил ривожлантирмоқда. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг узоқ муддатли ва изчил ривожланиши бутун минтақанинг барқарорлиги

ва фаровонлиги билан узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргаликдаги савий-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Минтақа халқаро дипломатия, сиёсий фаоллик ва иқтисодий ривожланишнинг янги маркази сифатида шаклланди.

Давоми 2-бетда

Президент ташрифидан сўнг

ТУРИЗМ КЎЧАСИ

бугун, келажак ва ўтмиш ўртасидаги кўприк

Серкатнов кўчалар, баланд бинолар, гавжум бозор, қаергадир тинимсиз шошаётган одамлар. Бу Тошкентнинг биз кўриб, кўникиб қолган қиёфаси. Аммо қадим кентни яқиндан ўргана бошлаганинг сари унинг жамоли тобора очилиб боради. Аввал сершовкин кўчалар бирдан тин олади. Синчдан қилинган, девори лойсувоқ уйлар нақшинкор дарвозаларини кенг очди. Бозор ҳам ўзига хос, хунармандлар расталари, новвойхоналар, ўчоқ-тандирга ёнма-ён қўйилган сўрилар. Чорпояр тепасидаги тўрхалталарда бедана сайрайди.

Улардан нарида, тошйўлакда ўйнаб юрган болалар ўтган-қайтган йўловчига салом беради. Шундай замонда, етти ёт бегонага салом бериш... ажабланасан. Жинкўчалар оралаб келаётган мўйсифид-



ларнинг юз-кўзида масрурлик, хотир-жамлик балқиб туради. Бенхтиёр ўзинини вақт машинаси билан ўтмишга тушиб қолгандай ҳис этасан.

Бу ҳеч қандай китобдан кўчирма ёки киногасвир баёни эмас. Аксинча, қадим Шонинг минг йиллик тарихга эга Гул-бозор маҳалласининг бугунги қиёфаси. Маҳалла бугун иқтисодийнинг драйвери бўлган туризм ҳудудига айлантирилди. Келгусида у Шайхонтоҳур туманида

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ, КОНФЕССИЯЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШ ҲАМДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ХАЛҚИМИЗГА МУРОЖААТИ

Мухтарам юртдошлар!

Ўзбекистон азалдан ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонлар учун муқаддас замин, Ватан бўлиб келган.

Юртимиз фуқаролари эътиқод қиладиган барча динларда табиатни муҳофаза қилиш ибодат даражасига кўтарилгани эътиборга молик. Хусусан, муқаддас Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: “У сизларни ердан пайдо қилди ва унга сизни ободлиги учун қўйди”. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада ер ва уни ўраб турган табиатни асраб-авайлашга, ундан оқилона фойдаланишга буюради.

Шунингдек, христианликнинг муқаддас манбаси Библияда инсон илоҳий ижоднинг гули ва бошқа мавжудотлар учун жавобгар экани таъкидланса, яхудилик таълимотидаги “Йўқ қилинмаслик” тамойили табиат ва тирик мавжудотларга нисбатан шафқатсизлик, хусусан, мевали дарахтларни кесишни тақиқлайди.

Буддист ахлоқ кодексига “одамларга ва бошқа мавжудотларга зарар бермаслик” қайд этилган. Ҳиндуизм ҳамда Баҳоний таълимотида ҳам табиатни муҳофаза қилишга қатъий қақарилади.

Азиз ватандошлар! Сўнгги йилларда жаҳонда кузатилаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Рўй бераётган чанг-тўзонлар, ҳавонинг ифлосланиши, шунингдек, ёгингарчилик меъёрларининг бузилиши сўзимиз тасдиғидир. Бу ҳар бир ақли расо кишини бепарқ қолдирмаслиги лозим.

Кунни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган “Яшил макон” лойиҳаси доирасида баҳорги экиш мавсумини ташкил қилиш, чиқиндилар билан ишлаш тизimini такомиллаштириш юзасидан видео-селектор йиғилишида ушбу долзарб масалага алоҳида ўрнатилиб, дарахт экишни оммалаштириш, умуммиллий ҳаракатга айлантириш, ушбу ташаббусга чин дилдан ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

Бу йил баҳорда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 125 миллион туп кўчат экиш белгиланди. Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши

вазирлигига “Менинг боғим” лойиҳасини ишга тушириш топширилди.

Ушбу мақсадда бюджетда назарда тутилган 50 миллиард сўм ажратилади. Жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат паркни ташкил қилишга кўрсатма берилди.

Президентимизнинг жонқуярлик билан айтган сўзлари ҳаётий асосга эга. Чунки сўнгги пайтларда аҳоли орасида аτροφ-муҳитга бепасанд, лоқайд қараш ҳоллари кузатилмоқда.

Бундай ҳолатлар тобора кўпайиши натижасида глобал экологик муаммолар юзга келмоқда.

Хурматли юртдошлар!

Барча дин ва миллий маданиятлар инсонларни доимо поклик ва озодаликка қақиради. Аввало, қалбдан бошланган поклик руҳу танимизни, яшаб турган Ватанимизни озода сақлашга чорлайди. Зеро, Ҳадиси шарифларда келтирилишича, “поклик имоннинг ярמידир”.

Кўриниб турганидек, аτροφ-муҳит поклиги қалб поклиги билан бевосита уйғун.

Хонадонларимиз, хусусан, кўп қаватли уйларнинг атрофи, ариқлар, кўчалар, қабрисон ва унинг атрофини ҳашар йўли билан тозалашдек гўзал одат қадимдан халқимиз орасида урф бўлиб келган. Аммо таассуфки, сўнгги пайтларда юртдошларимиз бу қадриятлардан узоқлашаётгандек гўё.

Шу боис, давлатимиз раҳбари бу масалага маҳалла фаоллари, нурунийлар, уламолар, миллий маданий марказлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликни эътибор қаратишга даъват этиб, барчанинг зиммасидаги муҳим вазифани шундай баён этдилар: “Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга ёш авлод қалбидан она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаган кишини кўрганда “бу ишингиз нотўғри бўлди”, дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларни бунга ўргатишимиз керак. Бу — ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир”.

Ота-боболаримиз оғишмай амал қилиб келган ушбу ҳикматга, аввало,

ўзимиз риоя қилишимиз, қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлодга гўзал тарзда ўргатишимиз керак.

Зеро, аτροφ-муҳитни покиза сақлаш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Минг афсуски, баъзи жойларда чиқиндиларни сувга оқизиш, йўл четларида қолдириш ҳолатлари учраб турибди.

Айниқса, оқар сув — каналлар, аригу аңқорларга чиқиндиларнинг атайлаб оқизилаётгани жуда ачинарли. Илоҳий манбаларнинг таълим беришича, қурғоқчиликнинг кўпайиши, деҳқончиликдан кўт-бараканинг кўтарилиши, турли касалликларнинг тарқалиши ҳамда ўт, сув балоси каби табиий офатлар инсонларнинг қилмишларига яраша оғоҳлантириш ҳисобланади.

Улуғ алломалар асарларида, буюк тарихий шахсларнинг ҳикматларида аτροφ-муҳитга оид қатор масалалар баён этилган. Жумладан, Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида аτροφ-муҳитнинг инсон саломатлиги ва руҳиятига таъсирини очиб берган.

Амир Темур бўз ерларни ўзлаштирган кишилар ёки боғ барпо қилганларни рағбатлантирган. Алишер Навоий эса табиатга хиёнатни дўстга хиёнат қилишга қиёс қилган.

Мухтарам юртдошлар! Имонли киши табиатга озор бермайди. Балки уни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш пайида бўлади. Кўчат экиш ҳақида гап кетаркан, унинг аҳамиятини Имом Бухорий бобомиз ривоят қилган куйидаги Ҳадиси шарифдан билиб оламиз: “Агар Қиёмат қоим бўлса-ю, қай бирингизни кўлида бир дона хурмо кўчати бўлса, Қиёмат қоим бўлгунча уни экишга қодир бўлса, уни экиб қўйсин”.

Ҳақиқатда, Яратганининг наздида обод қилувчилар қаторида бўлиш энг афзал ишлардандир.

Шу боис, шу азиз юртнинг ҳар бир фуқароси “Яшил макон” умуммиллий тадбири доирасида ўзи яшаб турган шаҳар қишлоғини, маҳалласини обод қилишда фаол бўлиши лозим. Бу икки қарра ютуқдирки, ҳам юртимиз обод бўлиб, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кўркамлашади, ҳам бундай хайрли

ишларимизнинг савоби садақан жория сифатида амал дафтаримизга ёзилади.

Ушбу яхши мақсадларга эришиш дин ва эътиқоддан қатъи назар, барча фуқаролардан кучларни бирлаштиришни талаб қилади.

Шунга асосланиб, биз, Ўзбекистонда яшаётган диний конфессиялар, миллий маданий марказлар ҳамда “Нуроний” жамғармаси раҳбарлари барча ватандошларимизга бир овоздан мурожаат этамиз:

— жаннатмонанд Ўзбекистон табиатини асранг, уйларимиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, қишлоқ ва шаҳарларимиз тозаланишига ҳисса қўшинг ва “Долзарб ўн кунлик” тадбирларида фаол бўлинг;

— Президентимиз томонидан эълон қилинган “Янги Ўзбекистон — яшил маконда бирга яшайлик!” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ташаббусларини қўллаб-қувватланг;

— яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда муборак Ҳаж сафарига овланаётган 15 минг нафар ватандошларимиз “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили асосида ишларни ташкил этишда маҳалладошларга ўрнак бўлинг. Сизларнинг бу борадаги савий-ҳаракатларингиз бошқаларга ибрат бўлиб хизмат қилади;

— эзгу аъёнларимизга ҳамоҳанг тарзда ҳар бир хонадонда фарзандлар ота-оналарига, ота-оналар фарзандига атаб дарахт кўчатлари экиши ва ўстириши ташаббусини илгари сурамиз;

— ҳаётий тажриба, дуо ва тиллақлари халқимиз учун ҳамisha катта таянч бўлиб келган 3 миллион нафардан ортиқ нурунийлардан аҳоли томонидан кўчатларни сифатли экишни ташкиллаштиришда ёшларга намуна ўлароқ янада фаоллик ва ташаббус кутиб қоламиз;

— дарахт экиш, гулу райҳон ўстириш ва уларни парвардилаштириш эзгу қадриятга айлантирайлик! Муқаддас аъёнларимиз қаторида фарзандларимиз қалбига сингдирайлик!

Яратган Парвардигор барчамизни покликка интилувчи, билганларига амал қилувчи, жисму имони, уй-жойи — Ватанини тоза тутувчи, боғу роғлар ўстирувчи ва Ер юзини обод қилувчилардан қилсин!

Муносабат

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАРКАЗЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Янги шаҳар қуриш ҳеч бир замонда осон бўлмаган. Айниқса, дунёда геосиёсий зиддиятлар авж олаётган, экологик муаммолар кўлами кун сайин кенгайиб бораётган бугунги даврда замонавий урбанизация ёндашувлари асосида “ақлли” технологияларни қўллаб, бутун бир шаҳарни нолдан барпо этиш катта жасорат.

Бундан бир йил аввал Янги Тошкент шаҳрининг қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Халқимизда “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган нақл бор. Давлатимиз раҳбари 2023 йил 18 мартда ўтказилган маросимда

давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, зиёлилар ва ёшлар билан Янги Тошкентнинг қандай бўлиши, яратилиши лозим бўлган шароит, умуман, шаҳарнинг келажиги ҳақида маслаҳатлашган эди.



Биласизми, бундай катта ишни бошлаш ва самарали давом эттириш учун кучли сиёсий ирода, қолаверса, давлатнинг ўзи юритаётган ислохотлар натижадорлигига ишонч бўлиши керак. Шаҳар қурилишида давлат раҳбари каттао кичик, барча соҳа кишилари билан маслаҳатлашиб, кенгайиб иш тутганининг ўзи мана шу ишончни юз қарра оширади.

Президентимиз жорий йил 3 апрель куни пойтахтда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янги таълим ва туризм объектларида яратилган шароитлар билан танишиди ва Янги Тошкент шаҳрининг илк иншоотлари қурилишини бошлаб берди. Маросимда давлатимиз раҳбари янги шаҳар, аввало, илм-фан, маънавий-маърифий масканларидан бошланиши кераклигини таъкидлаганида жуда хурсанд бўлдим. Бу кент бизни, жонажон Ўзбекистонимизни дунёга кўрсатадиган шаҳар бўлади.

Фараз қилинг, бир ҳудудда “Янги Ўзбекистон” университети ва Тошкент давлат педагогика университети кампуслари, Миллий кутубхона, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллий мақом марказига тамал тоши қўйилди.

Давоми 2-бетда

Давоми 3-бетда



Муносабат

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
МАРКАЗЛАРДАН БОШЛАНАДИШуҳрат СИРОЖИДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
ректори, академик

этиладиган масканда Фанлар академияси хузуридаги адабиёт музейи, Алишер Навоий номидаги ихтисослаштирилган ижод мактаби, Алишер Навоий халқаро фонди, Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Мақом маркази жойлаштирилади. Шу жиҳатдан мазкур мажмуа ўзбек халқи қадриятларини, маданиятини, тилини Алишер Навоий сиймоси орқали дунёга кўрсатувчи ажиб бир зиё маскани бўлади.

Эътиборлиси, бу ерда катта-катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Унинг келажаги порлоқ. Келгусида дунё саҳнида эътироф этилишига ишонимиз. Бонси, марказда жаҳоннинг нуфузли олимлари, ёш изланувчилар тадқиқот олиб бориши, илм-фан, адабиётнинг янги имкониятларини очиши учун муносиб шароит яратилади. Алишер Навоийнинг адабий меросини халқаро миқёсда тарғиб этиш айна пайтда дунё халқларини давлатимиз ва халқимизнинг эзгу интилишларидан хабардор қилиш ишлари билан уйғун эканини аниқлатади.

Таъкидлаш жоиз, мустақиллик йилларида Алишер Навоий номи ўзбек халқининг ким эканини ифода этувчи миллий тимсолга айланди. Бугун Ер кўрасининг қайси бурчагида ҳазрат Навоий сиймоси хотирланса, албатта, миллатимиз, жонажон ватанимиз ҳам тилга олинади. Янги ташкил этилаётган мажмуа, унда амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар ҳам асрлар оша халқимизни халқаро миқёсда танитишга хизмат қилади.

Адабий-илмий тадқиқотлар амалга ошириладиган марказ Алишер Навоий бобомиз номи билан аталганининг ўзиёқ бу йўлда улуг мутафаккир гоёларини амалга ошириш, халқимиз маданиятини, Ўзбек тили ва адабиётини халқаро миқёсда тарғиб этишдек улуг мақсад борлигини аниқлатади.

Юртимизнинг бой илмий, тарихий, маданий ва маънавий меросини ўрганишга қизиқиш юқори бўлган ҳоҳишдаги таълим ва илмий ташкилотларнинг марказга ташриф буюриши, у ерда тадқиқот ишлари олиб бориши, тарихимизни ўрганиши



юртимиз имижига янада юксалишига хизмат қилади.

Ташкил этилиши кўзда тутилаётган ижод мактабиде эса бир нечта тилни билувчи, тафаккури кенг, ижодкор ёшлар тарбияланади. Булар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида етакчи куч сифатида барча тенгдошларига намуна бўлади. Мафқуравий жиҳатдан бақувват, соғлом эътиқодли ёшларни тарбиялаш назарда тутиляпти.

Яна бир жиҳатни таъкидлашни истар эдик. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида жойлашган Адабиёт музейи ҳудуди жуда кичкина. Шунинг учун ҳам биз йиллар давомида юртдошларимиз ва чет элдан ташриф буюрувчиларга адабий бойликларимизни тўлиқ намойиш қилиб беролмадик. Энди қад кўтарилган янги бино мана шундай камчиликларга ҳам барҳам беради.

Алишер Навоий ўз асарларида тинчлик ва осойишталик, эл-юрт манфаати учун яшаш каби умумбашарий қадриятларни, адолат ва поклик, ватанпарварлик, дўстлик, садоқат, камтарлик каби инсоний фазилатларни тарғиб қилган, баркамол бадий образларда мужассам этган улуг мураббийдир. Давлатимизнинг бағрикенглик, тинчликсеварлик ва бирдамлик сиёсати, жаҳон ҳамжамияти қаршида миллатимиз обрўсини кўтариш, тилимизнинг ватанимиздан узоқ-узоқларда ҳам эъзозланиши ва у орқали маданиятимизга алоҳида эҳтиром кўрсатилишига эришиши йўлидаги сазовор рақатлари буюк бобокалонимиз номи билан аталувчи ўзбек тили ва маданият марказлари доирасида ўз натижасини кўрсатишига ишонимиз.

Кейинги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини, обрўсини

кўтариш, қўлланиш доирасини кенгайтириш, халқаро мақомини юксалтириш борасида бир-бирини тўлдирувчи муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Даврлар ўзгараётган, муносабатлар, зиддиятлар тўқнашаётган чорраҳада ҳақиқий адабиёт, санъат абадиятга дахлдорлик мақомини сақлаб қолади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, асрлар синовида бардош берадиган бетакрор асарларни ўрганиш, изланиш учун муносиб шароит яратиш гоёат улкан иш.

Тамаддун ҳодисалари ҳар қандай халқнинг илм-маърифат тизгинини маҳкам тутиб, аниқ мақсадлар сари яқдид оқимлашдан бошланади. Мен ишонч билан айта оламан, бугун миллатимиз илм-фани, инсоний қадриятларини ривожлантириш йўлидан изчил борапти. Бу каби имкониятлар нафақат биз каби илм-фан намояндаларига, барча соҳа кишиларига, каттао кичик кўнглига ифтихор туйғусини улашади.

Дунёда ривожланган шаҳарлар, осмонўпар бинолар кўп. Янги Тошкент мана шундай масканларни ортада қолдирадиган бир семимли гўша бўлади. Шаҳар қурилишига тамал тоша қўйилиши тимсолида узоқ келажақда ҳам бахтли ҳаёт қалолатининг асосини кўриш мумкин. Юртимизда қадим замонлардан меъморчилик ва шаҳарсозлик анъаналари ривожланиб келган. Неча асрлар аввал буён эътиборан Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз ўзининг гўзал қиёфаси, пишиқлиги билан дунё эътирофига сазовор бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун пойдевори қўйилаётган масканлар кўп йиллар халқимиз маънавиятини бойитиш, ёшларимизни ҳар томонлама етув ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Бошланиши 1-бетда

У ердаги атмосфера кишига ўзгача бир ижодий кайфият, фан сирларини очишга, аждодлар меросини ўрганишга сўнмас иштиёқ беради. 1420 нафар китобхонага сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилиши кўзда тутилаётган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 10 миллиондан ортиқ адабиётни муносиб сақлаши ҳақидаги маълумот ҳам барчамизни қувонтирди.

Шу ўринда Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳақида сўз юритсак. Мажмуа тарзида ташкил

Тамаддун ҳодисалари ҳар қандай халқнинг илм-маърифат тизгинини маҳкам тутиб, аниқ мақсадлар сари яқдид оқимлашдан бошланади. Мен ишонч билан айта оламан, бугун миллатимиз илм-фани, инсоний қадриятларини ривожлантириш йўлидан изчил борапти. Бу каби имкониятлар нафақат биз каби илм-фан намояндаларига, барча соҳа кишиларига, каттао кичик кўнглига ифтихор туйғусини улашади.

Қардошлик ришталари

Ўзбекистон – Қозоғистон: МУШТАРАК ТАРИХ ВА
УМУМИЙ ФАРОВОНЛИККА СОДИҚЛИК НАМУНАСИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизми доирасида самарали мулоқот олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари минтақани халқаро ҳамкорликнинг тобора муҳим механизмларига айланиб бораётган “Марказий Осиё +” платформалари доирасида ҳам бирлаштиришга содиқ эканликларини намойиш этмоқдалар.

1992 йил ноябрь ойида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон ва Қозоғистон ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг динамик моделини тақдим этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март ва 2021 йил 5-6 декабрь кунлари Қозоғистонга давлат ташрифлари, шунингдек, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг 2019 йил 14-15 апрель ва 2022 йил 21-22 декабрь кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифлари янги босқичдаги ўзаро ҳамкорлик учун кучли туртки бўлди. Ушбу ташрифлар натижасида бир қатор ҳуқуқматлар ва идоралараро ҳужжатлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар тўплами имзоланди. Давлатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши икки томонлама алоқаларни мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарган чинакам тарихий воқеа бўлди.

Икки давлат халқаро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, халқаро ташкилотлар — БМТ, ШҲТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини, Ислон ҳамкорлик ташкилотини, Туркий

давлатлар ташкилотини, Орolni кутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан томонларнинг позициялари ўхшаш.

Бу борада икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги мунтазам алоқавалар муҳим ўрин тутди. Жорий йил февраль ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон ТИВ раҳбари Президент

Икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши, бу — туризм. Давлатларимизнинг географик жиҳатдан яқинлиги, шунингдек, улкан тарихий-маданий мерос ва сайёҳлик имкониятлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда томонлар ягона туризм брендини яратиш ва сайёҳлик кластерларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан қабул қилинди ва Бош вазир ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу билан музокаралар ўтказди.

Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда делегатлар алмашинуви фаоллашди, парламентлар палаталари ўртасида мулоқот йўлга қўйилди. Жумладан, 2022 йил февраль ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.



2023 йил октябрь ойида Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Қосановнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг учинчи йўналишдаги савдо ҳамкори бўлиб, мамлакатимиз умумий савдо ҳажмининг 9,3 фоизини ташкил этади. Кейинги беш йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш пандемия оқибатларига қарамай барқарор ўсиб бормоқда. 2023 йилда бу кўрсаткич 4,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1250 дан ортиқ Қозоғистон корхонаси, Қозоғистонда эса ўзбек капиталли иштирокда 1400 дан ортиқ компания фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан яна бири, бу — транспорт коммуникациялари соҳасидир. Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Ушбу муҳим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун транзит

вазифасини ўтапти. 2023 йилда темир йўл транспортида халқаро ташиш ҳажми 23,46 миллион тонна, автомобиль транспортида 2,1 миллион тонна, ҳаво транспортида эса 90 минг тоннани ташкил этди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг фаол йўналишлари инвестиция, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, фармацевтика, қурилиш ва бошқа соҳалардир. Бу сайёҳаракатларга қўшимча туртки бериш мақсадида қўшма Халқаро саноат кооперацияси маркази ташкил этилди.

Худудлараро алоқалар ўзаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлаётди. 2018 йилдан бошлаб икки томонлама ҳамкорликнинг янги механизми — Худудлараро ҳамкорлик форуми ишга туширилди. Бугунги кунга қадар учта шундай форум ўтказилди. Икки давлатнинг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ўзаро махсулот етказиб бериш, янги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихий, маънавий ва маданий яқинлиқдаги яхши қўшиқлари, шунингдек, Марказий Осиё салохиятини мустаҳкамлаш, бутун

минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлашга ҳисса қўшаётган ишончли стратегик ҳамкорлардир.

Қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари Марказий Осиё қадимий тамаддунининг ворислари бўлиб, улар ўз аждодларининг анъаналари, қадриятлари, маданий-маънавий меросини асраб-авайлаб келмоқда. Ушбу муҳим омил икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилапти.

Тарихий алоқаларни мустаҳкамлашга, шунингдек, икки давлат ҳудудларида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ миллатлари вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиздаги қозоқ миллати вакиллари ўз она тилини асраб-авайлаш учун барча шароит яратилган. Хусусан, юртимизда 400 та мактабда қозоқ тили ўқитилади, 162 та мактабда таълим фақат қозоқ тилида ташкил этилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қоракөлпоқ давлат университети, Гулистон давлат университети, Нукус, Жиззах ва Навоий давлат педагогика институтларида қозоқ тили ва адабиёти факультети ва кафедралари мавжуд.

Олий таълим соҳасида икки мамлакат университетлари ўртасида ҳамкорлик бўйича 280 дан ортиқ шартнома ва меморандумлар тузилган. 2022 йил 22 декабрь куни Олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистонда ҳар йили Қозоғистон олий ўқув юр்தларининг кўرғазма ва ярмаркалари — Қозоғистон таълими кунлари ўтказилади. Уларда маҳаллий консалтинг компаниялари кўмағида Қозоғистоннинг 40 га яқин университети вакиллари қатнашади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон олий ўқув юр்தлари ўртасида 4 та қўшма таълим дастури амалга оширилди ва уларда 188 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. У анъанавий тарзда ихтисослашган институтлар

даражасида амалга оширилади. Давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқотларда илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилиш қатъий таъкидланади.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар — маданият ва кино кунлари, спорт мусобақалари ўтказилаётган ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ижодий жамоалари икки мамлакатда ўтказилаётган халқаро танлов, фестивал, ярмарка ва кўрғазмаларда мунтазам иштирок этмоқда.

2022 йилда Ўзбекистон бўйлаб қозоқ халқининг буюк фарзанди, маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, эзулик ва дўстлик куйчиси Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. 2022 йил декабрь ойида Ўзбекистонда олий даражадаги давлат ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари буюк қозоқ шоири ва мутафаккири меросига бағишланган кўрғазмани биргаликда томоша қилдилар.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бундай тадбирлар яқин дўстона ришталарни мустаҳкамлаш баробарида, икки халқнинг шонли ўтмиши ва бугунги ҳаётига ўзаро қизиқишни яққол намойиш этади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши, бу — туризм. Давлатларимизнинг географик жиҳатдан яқинлиги, шунингдек, улкан тарихий-маданий мерос ва сайёҳлик имкониятлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда томонлар ягона туризм брендини яратиш ва сайёҳлик кластерларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқмоқда.

2021 йил январь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро сайёҳлик оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи “Йўл харитаси” имзоланди. Ўзаро сайёҳлик оқимини кўпайтириш йўналишидаги ишлар самараси ўлароқ, мамлакатимизга келаётган қозоғистонлик туристлар сони изчил ортиб борапти. Хусусан, қўшни давлатдан юртимизга келаётган сайёҳлар сони 2021 йилдан буён уч баробарга ошиб, 1,3 миллионга етди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон кўп асрлик дўстлик, яхши қўшиқчилик, ўзаро ишонч ва кенг қўламли шерикликни мустаҳкамлаш тарафлари бўлиб келган. Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифи мавжуд ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва конструктив мулоқотни янада ривожлантиришга янги суръат бағишлайди.

Тараққиёт йўли

Иқтисодий ривожланиш кичик-кичик натижалар умумлашмасида кўзга ташланади. Масалан, битта ҳудуддаги иккита маҳаллани олайлик. Бири ривожланган, аҳолиси ўзига тўқ бўлса, иккинчисиди камбағаллик авж олган, одамлар ишсиз, даромадсизликдан қийналаётган бўлса, ўша ҳудудни тўла ривожланган деб бўлмайди. Мамлакат иқтисодиёти ҳам шундай. Энг олис ҳудудда ҳам аҳоли ишли, даромадга эга бўлар экан, бу юртни ривожланган давлатлардан бири, дейиш мумкин.

ТАДБИРКОРЛИК БОР ЖОЙДА КАМБАҒАЛЛИК БЎЛМАЙДИ

Юнусобод туманидаги ўзгаришлар бунга мисол



Баҳодир АБДУВАЛИЕВ, Юнусобод тумани ҳокими

қилинган. 1992 йилдан Юнусобод тумани, деб атала бошланган. Бугунги кунда Юнусобод пойтахтимиздаги 12 туманининг бири бўлиб, шаҳарнинг шимолий қисмида — Амир Темур майдонидан Тошкент ҳалқа йўлигача бўлган қисмида жойлашган. Бу ердаги 64 та маҳаллада 92 мингдан зиёд хонадон бор. Туман аҳоли сони ва майдони бўйича пойтахтда иккинчи ўринда туради. Ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш, одамларнинг муносиб яшashi учун шароит яратишга бел боғлаб қўйилган. Ислохотлар кириб бормаган маҳалла, кўча ва хонадон қолмасин, деймиз. Саъй-ҳаракатлар бесапар кетмапти. Биргина мисол. 2023 йилда туман бўйича барча соҳаларда иқтисодий ўсишга эришилди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 100,8 фоиз, чакана савдо 109,5 фоиз, истеъмол товарлари 101,7 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажми 123,2 фоиз, қурилиш ишлари 100,6 фоиз ўсди. 2024 йилда ҳам макроиқтисодий кўрсаткичлар



ривожлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Мактабгача таълим ташкилотларида 3-7 ёшгача бўлган болалар сони 24 минг 586 нафарни, ДМТЛга камров 21 минг 146 нафарни (86 фоиз) ташкил этади. Агар 2020 йилда юзга яқин мактабгача таълим ташкилоти бўлган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 117 тага етди.

Туманда 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълим ташкилотларида қамраб олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада туман ҳокимлигининг махсус дастури қабул қилинган. Шу асосда ҳудуддаги маҳалла гузарлари қошида туман ҳокимлиги ташаббуси билан муддатли гуруҳлар, яъни таълимнинг муқобил шакли ташкил қилинган. Айни кунларда 20 та маҳаллада туман ҳокимлиги маблаглари асосида шундай гуруҳлар фаолият юритяпти. Бу эса мурғак қалб эгаларининг олам-олам гўзал орзуларига қанот бўлмоқда.

Ҳозир тумандаги 45 та умумтаълим мактабида 63 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия оляпти. 2022 йилда 4251 ўқувчи мактабни тасмоллаган бўлса, ўтган ўқув йилида бу кўрсаткич 4461 нафарни ташкил этди. Аҳамиятлики, ўтган йили мактабларни тасмоллаган ўқувчиларнинг 78,7 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Шу тарзда катта ҳаётга қадам қўётган йигит-қизлар сони йилдан йилга ўсиб борапти. Уларга муносиб таълим, меҳнат шароитларини яратиш бериш эса асосий вазифаларимиздан бири.

Ҳудудда ишсизлар, бекорчи юрган ёшлар бўлмагани керак. Шу боис, туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмақлаштириш ҳодимлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари уйма-уй юриб, иш билан банд бўлмаган фуқаролар, жумладан, ёшлар тарқибини доимий аниқлаб боради. Улар билан суҳбатлар ўтказилиб, қизиқчилари ўрганилади ва шу асосда тегишли соҳаларга йўналтирилади. Ишга жойлаштиришга истагиди бўлган фуқаролар расман иш сўраб мурожаат қилувчи сифатида рўйхатга олинди, ҳоким ёрдамчилари томонидан ишга жойлаштириш чоралари қўрилади. Бундан ташқари, иккинчи хиломга муҳтож аҳоли қатламини касб-ҳунарга ўқитиб, ўз фаолиятини бошлаши учун субсидия ажратиб ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йиллар давомида 500 дан ортиқ фуқаро субсидия олиб иш бошлади. Бу янгидан янги тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлганидан дарак.

Юнусобод туманида экспортёр корхоналар сони ҳам йилдан йилга ошди, улар аввалги 49 тадан ҳозир 191 тага етди. Экспорт географияси 4 тага, маҳсулот турлари эса 12 тага кўпайган. Ўтган йили туманда жами 49 та корхона томонидан 182 миллион долларлик мева-сабзавот ва саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Бундан тадбиркорлар яхшигина даромад топишти, оиласи фаровонлигини таъминлаш баробарида ҳалқ корига яратти, одамларни ишли қилляпти.

меҳнат шароитларини яратиш, иккинчи муҳофазасини таъминлаш, камбағаллар ва ишсизлар билан ишлаш, таълим, тиббиёт соҳалари, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш энг устувор вазифага айланган. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳолини иккинчи хиломга қилиш тизим-ли йўлга қўйилган.

Ўтган йиллар давомида туманга 1 миллиард 700 миллион доллар хорижий инвестиция киритилди. Корхона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари 3,5 мингтага, иш ўринлари 20 мингтага кўпайди. Туманда 6 минг хонадонли янги уй-жойлар қурилди. Натижада ҳудуд тадбиркорлик учун қулай майдонга, иқтисодий ривожланиш, ишбилармонликни ташкил этишда пойтахтдаги етакчи туманлардан бирига айланди.

Юнусобод номининг ўзи ҳам юртимизда яшаб ўтган катта тадбиркор исмига бориб тақалар экан. Манбаларда туман номининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар келтирилди. Маҳаллий зиёлилар фикрича, Юнусобод номининг пайдо бўлиши себзорлик тадбиркор Юнус ҳожи Нодир ҳожи ўғли билан боғлиқ. Маъмулотларга кўра, XIX асрнинг 50-йилларида тахтапуллик Юнус ҳожи исми савдогар Чинобод, Чоштепа ва Оқтепа, деган жойларда бўлиб ётган бўз ерларни ўзлаштиришни бошлаб юборди. Савдогар обод қилиб, сув чиқарган ерлариди катта-катта тоқсор ва мевали боғлар барпо қилди, салобатли кўрғонлар, карвонсаройлар қурдиради. Ҳозирги Чимкент йўлидаги жойининг Юнусобод ва ўша ердаги археологик ёдгорликни Юнусобод Оқтепаси, деб номлади. Юнус ҳождан ёдгорлик туманимизга аввалги Киров тумани номи билан ташкил

Барча лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари бу борада алоҳида топшириқ ҳам берди. Яъни жорий йилда Юнусобод туманида 35 минг иш ўрни яратиш имконияти борлиги, бу бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

прогнози барча йўналишлар бўйича ортиги билан бажарилгани ҳисоб-китоб қилинган. Ингилишда эътироф этилган асосий жиҳатлардан бири туманга киритилган хорижий инвестициялар кўлами бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, ҳозирги замонда мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти бевосита инвестициялар оқимига боғлиқ. Юнусобод туманида айни шу жиҳат учун қулай шароитлар яратилган бўлиб, булар, энг аввало, тадбиркорлик ҳуқуқини белгилаб берадиган, хусусий мулкчилик ва рақобатчиликни ҳимоя қиладиган қонунлар базаси яратилгани, инвестиция жараёنларини қўллаб-қувватловчи инфратузилма мавжудлиги, энг муҳими, малакали меҳнат ресурсларига эга экани билан яққол кўзга ташланиб турибди. Шунинг учун маҳаллий иш Юнус ҳождан ёдгорлик туманимизга қизиқинчи йилдан йилга ошиб бормоқда.

Натижада ўтган йилнинг ўзида Юнусободда 74 та лойиҳа ишга туширилиши ортдан 4,8 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилди, 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Ушбу даврда 167,9 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Жумладан, Буюк Турон маҳалласида "UzTur Investment and Development" МЧК томонидан замонавий меҳмонхона қуриш ва маиший хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш ҳисобига 488 та янги иш ўрни очилди. Минор маҳалласида эса "ORA PROGRESS BIZNES" МЧК томонидан кўп қаватли турар жой, меҳмонхона ва бизнес маркази ташкил қилиш орқали 70 дан ортиқ ишнинг бандлиги таъминланди. Президентнинг тегишли қарори билан туманда яна 7 та йирик инвестиция лойиҳаси тасдиқланган бўлиб, 2025 йилга қадар бари ишга туширилади.

Барча лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари бу борада алоҳида топшириқ ҳам берди. Яъни жорий йилда Юнусобод туманида 35 минг иш ўрни яратиш имконияти борлиги, бу бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунга, айниқса, Амир Темур кўчасининг икки томонида замонавий бинолар ва хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини бунёд этиш эвазига эришилиши кўзда тутилган.

Таълимга қаратилаётган эътибор самарасини бермоқда

Тадбиркорликни ривожлантириш Юнусобод туманининг драйвер йўналишига айланган. Ахир муҳит қулай бўлган жойда

шароит яратилиши, имкониятлар ишга солиниши керак. Эришилаётган ютуқлар, албатта, ўзимизники. Аммо ҳали олдинда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Шу боис, йил бошидан Юнусобод туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг қатламини бизнесга жалб қилиш ва даромад манбаларини кенгайтиришга янада кўпроқ эътибор қаратилди. Натижада шу кунга қадар 1183 та янги тадбиркорлик субъекти очилиб, улар сони 15 мингдан ошди.

Ҳар қандай кичик бизнес, ҳатто оилавий тадбиркорлик ҳам, аввало, янги иш ўрни яратишига йўл очади. Одамларнинг ишли бўлиши эса оилаларнинг қўшимча даромад манбаига эга бўлиб, янада яхшироқ яшайдан далолат. Яъни битта тадбиркор қанча хонадоннинг қозони қайнаши, оила аъзоларининг яхши ёнчиб, яхши кийинишига сабабчи бўлиши мумкин. Қолаверса, ишбилармонлик ривожланган жойда таълим олоб бўлиб, иқтисодий ривожланиш ўсиб бораверади. Шундай вақтда юртимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, замонавий қаҳрамонларни сифатида тилга олинаётгани бежиз эмаслигини чуқурроқ ҳис қиламиз.

Бугун иккинчи хиломга сиегатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланган даврда тадбиркорлик айна аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омил бўлмоқда. Юнусобод туманида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш устувор вазифалардан бири. Боиси, бугун таълим олаётган ёшлар эртага кадр сифатида тегишли чиқади. Уларга бўш иш жойлари керак.

Умуман, Юнусобод туманида таълим-тарбиянинг барча босқичи, айниқса, мактабгача таълим муассасаларини замон талабларига мос

Президент таширифидан сўнг

Бошланиши 1-бетда



Ҳаним Йўлпушев олган суратлар.

ТУРИЗМ КЎЧАСИ бугун, келажак ва ўтмиш ўртасидаги кўприк

Гулбозорда бежиз туризм кўчаси ташкил этилгани йўқ. Унинг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Хадра майдони, Эски Жува ва Чорсу оралнида жойлашган бу ҳудуд IX-XII асрларда Бинкат деб номланган. Бинкат ўз даврининг тараққиёт этган шаҳри бўлган. У икки қисм — шаҳристон ва раббатдан иборат эди. Шаҳристонда ҳукмдор қароргоҳи, саройлар, зодагонлар уйлари, мамурий бинолар қад кўтарган. Работ эса савдо ва хунармандлар растанлари, карвонсаройлар, бозор ва маҳаллардан иборат эди. Унинг иккита дарвозаси бўлган. Маҳалланинг номи ҳам XV асрга бориб тақалади.

Маҳаллада ҳар бир соҳа вакили топилди. Бугун Гулбозорда давлат ишида ишлайдиганлар ҳам талайгина. Шу билан бирга, хунармандлар, санъаткорлар, табиблар сулолалари

ҳам бор. Яъни битта шаҳар обод бўлиши учун қайси касб эгаси керак бўлган бўлса, бугун уларнинг авлодлари болаларидан қолган синч деворли, нақшдор эҳсо дарвозали уйларида яшаб келмоқда. Улар икки асрлик тарихга эга. — Ганчкорликни отамдан ўрганганман, — дейди хунарманд-уста Сардор Ниёзов. — Ун икки ёшимдан шу хунар билан шуғулланаман, йигирма йиллик тажрибам бор. Оиламни шу хунар орқасидан, ҳалол меҳнат билан боқяман. Дастлаб шаҳримиздаги Абулқосим мадрасасида иш бошлаган эдим, кейинчалик маҳалламизда устaxonа очдим. Энди имкониятлар янада яхшиланди, туризм кўчаси очилди. Остонамизни дўжонча қилиб олдим. Дарвозaxonага ишларимдан намуналар осиб қўйганман. Ўтган-қайтган туристлар сотиб олиши мумкин. Кўчамиздан Чорсу бозорига ўтилгани боис, бу ерда ҳар доим сайёҳлар бўлади.

Дарҳақиқат, маҳаллада устоз-шоғирдик аъёниси азалдан давом этиб келган. Яқин ўтмишда бу ҳалқада узилиш кузатилган. Яъни кам сонли хунармандларгина ўз устaxonаларини сақлаб қолди. Янги лойиҳа сабаб қадимий аъёнани қайтариш имконияти туғилди. Гулбозор хунармандлари яна ёшларни ёнига олиб, шоғирд тайёрлашга киришган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Маҳаллада мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Ориф Алмаҳсумов, Наби Ғаниев каби санъат даргалари камол топган. Бир замонлар Мош табиб, дея донг таратган табибнинг авлодлари ҳозир ҳам Гулбозорда яшайди. Демак, бу маҳалла аҳли ўзлигини доим сақлаб, қадриятларини асраб келган. Бу хунармандларга шоғирд тушадиган ёшлар ана шу эзгу аъёнани давом эттира олишидан далолат аслида. Зеро, халқимиз оққан дарё оқмай қолмас, дея бежиз айтаман.

Таъкидлаш керак, Гулбозорга йилнинг барча мавсумида хорижлик сайёҳлар кўп келади. Шунинг ҳисобига олиб, маҳалла хизматларига ихтисослаштирилди. Хусусан, барча коммуналчи тармоқлари ер остидан ўтказилди. Уймакор устулни катта айвон, унга яқин жойда ҳовуз барпо этилди. Маҳалла идорасининг биринчи қаватида миллий каштачилик билан шуғулланган хунармандлар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Хунармандлар уюшмаси юртимизнинг турли жойлардан тайёр маҳсулотларини олиб келди ва шу ернинг ўзида тадбиркорларга тарқатади. Шу орқали туризм кўчасидаги тадбиркорлар бошқа юртдошларимизнинг қўл меҳнати бўлган хунармандчилик маҳсулотларини сотиб фойда қўради. Бозорнинг ободлиги, юртининг фаровонлиги шу зайдда хизмат қилинади.

— Президентимиз маҳалламизга таширифи чоғида яна бир қатор янгиликларни етказди,

— дейди М.Тожиёва. — Масалан, масъулларга хунармандлар учун зарур хомашени энг яқин жойдан сотиб олиш имконини яратиш топширигини берди. Хунармандларда доим ҳам хориждан маҳсулот сотиб олиш имкони бўлмайди. Шу боис, мазкур топшириқ ишларимиз янада жадал тус олишига замин бўлади.

Бундан ташқари, Кўкалдош мадрасасининг тепа қисми, масжид ёнидаги катта майдонга сўрилар ўрнатилган. Бу ерда ошпазлар овқат расталарини ташкил этади. Сайёҳлар чорповларда ўтириб, очик осмон остида тайёрланган таомларни тановул қилади. Тандирдан энди узилган нон сотиб олади.

Маҳаллада уч юлдузли меҳмонхона ҳам бунёд этиляпти. Сайёҳлар оқими ошиши учун эса ҳудуд хавфсиз бўлиши шарт. Зеро, хавфсизлик туризмнинг жозибадорлигини оширадиган энг биринчи тамойиллардан. Шу боис, маҳаллада "хавфсиз ҳудуд" тизими жорий этилган. Кузатув камералари, хавфсизликка масъул ходимлар муттасил фаолият олиб бормоқда. Бундан сайёҳликни ривожлантириш орқали ўтмиш қадриятлари, анъаналарини сақлаб қолди, иқтисодий барқорор, мыйназ юксак бўлган келажак авлодини тарбиялаш кўзланган. Шу маънода, туризм кўчаси бугун, келажак ва ўтмиш ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди.

Қадим Шашнинг қадриятлари билан таълимнинг истаганлиги, халқимизнинг ўзига хос урф-одатларини кўриб, гувоҳи бўлишга қизиқсангиз, Гулбозорга бемалол келаверинг. Айтганча, саратоннинг чилласидими, қишининг ўртасидими сумалак ёйишни истагангиз ҳам Гулбозорни излаб йўлга чиқинг. Ило, сайёҳликнинг халқасига қўшиладиган маҳалла шу қаби кичик, аммо муҳим аҳамиятга эга қадриятларини тикладимокда. Агар шаҳарнинг сершовқин кўчаларини бевоситани, кўнглингиз хотиржамлик тусида, чин инсоний муносабатларини ҳис этмоқчи бўлсангиз ҳам Гулбозорга келасиз.

Боборавжан ҒОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири


Нуқтаи назар

БМТ Савдо ва ривожланиш ташкилоти маълумотида 2023 йилда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими 1,37 триллион долларни ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 12 фоиз қисқаргани қайд этилган. Глобал инвестициялар ўсишига таъсир этувчи омиллар сифатида асосан, жаҳонда кечаётган умумий иқтисодий ноаниқликлар, кўпгина давлатларда фоиз ставкалари ошиши, шунингдек, ривожланган давлатларда молиявий оқимлар ва амалиётларнинг қисқариши келтирилган.



Қобил ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Европа давлатларида ҳам тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими ўтган йилга нисбатан 18 фоиз қисқарган. Соҳавий трендларнинг етакчи бериш занжирини қайта қуриш зарурати мавжудлиги сабаб электротехника, автомобилсозлик ва машинасозликда лойиҳалар сони ўсган. 2020 ва 2021 йилдаги кўтарилишлардан сўнг рақамли технологиялар йўналтирилган инвестициялар оқими ўзгаришсиз қолди. Энергетика соҳасида янги лойиҳалар сони барқарорлашди. Хорижий молиявий қўйилмалар оқими Европа Иттифоқи (Люксембург ва Нидерландия ҳисобига) давлатларида 2022 йилдаги 150 миллиард долларлик салбий кўрсаткичдан 141 миллиард долларлик ижобий кўрсаткичга чиқди. Шу икки ҳудудни



ҳисобга олмаса, ЕИ давлатларида ҳам хорижий молиявий қўйилмалар оқими 23 фоиз қисқарганини кузатиш мумкин.

Дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларида ҳам айнан шу каби ҳолат сақланиб қолмоқда. Шимолий Америкада ўсиш қузатилмаган, бошқа ҳудудларда эса пасайган. Жумладан, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг йирик ўзлаштирувчиси ҳисобланган АҚШда 2023 йилда тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқими 3 фоиз камайди.

Ривожланаётган мамлакатларда инвестициялар ҳажми 9 фоиз, жумладан, ривожланаётган Осиё мамлакатларида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқими 12 фоиз қисқарди. Африкада бу кўрсаткич 1 фоизни ташкил этди. Лотин Америкаси ва Қариб ҳавзаси мамлакатларида эса ўсиш барқарорлигига эришилди.

Хитойда 2023 йилда ўзига хос бўлмаган ҳолат — тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқими 6 фоиз, Ҳиндистонда 47 фоиз, АСЕАН мамлакатларида 16 фоиз озиёши кузатилади. Бирлашган Араб Амирликларида инвестициялар ҳажмининг 28 фоиз ўсиши ҳисобига Ғарбий Осиё мамлакатларида барқарорлик сақланиб қолди. Саудия Арабистонида янги лойиҳалар сони 63 фоиз ортди.

2022 йилда ривожланаётган мамлакатларда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш соҳасида халқаро инвестиция оқимлари ошди. Хусусан, инфратузилма, энергетика, сув таъминоти, санитария, агросаноат тармоғи, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳалар сони ўсди.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун айна пайтда талаб этилган 4 триллион доллардан ортиқ инвестиция маблағларининг етишмаслиги мазкур йўналишда тақчиллик мавжудлигини ва у ҳақда давом этаётганини кўрсатади. Бу ривожланаётган мамлакатларнинг энергетика соҳасига инвестиция жалб қилиниши қўллаб-қувватлаш аҳтиёжи зарурат эканини аниқлатади.

Уш, инвестициялар жалб этиш бўйича мамлакатимизда қандай ишлар амалга ошириш мумкин? Олдинда яна қандай устувор вазифалар турибди?

Жаҳон миқёсида кузатилаётган иқтисодий гирдоблар даврида Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсишга эришаётган давлатлардан бири. Мамлакатда амалга оширилган яратилган иқтисодий манзилли рўйхатини шакллантириш ва тармоқ жадалларини ишлаб чиқиш каби мақсадлар белгиланган.

Бу мақсадларга нафақат ички бозордаги ижобий ўзгаришлар, балки ички бозорни ҳаракатга келтирувчи муҳим омиллардан ҳисобланган хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш асосида эришилади.

жалб қилишда сезиларли даражада, яъни 12 фоиздан 20 фоизга ўсишга эришилгани қайд этилган.

Маълумки, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини амалга оширишда орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилди. Унда барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртадан юқори мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаби ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, табиёт ва иқтисодий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, қўлай экологик шароитни яратиш, халқ хизматидаги адолатли, замонавий давлатни барпо этиш, унинг суверенитети ҳамда ҳафсизлигини кафолатли таъминлаш каби асосий гоялар ўзифодасини топган.

Халқаро таҳлилчиларнинг эътирофи этишича, бу гоялар БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига уйғунлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти ҳажмининг



160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларини 4 минг долларга етказиш, юртимизнинг инвестициявий жозибдорлигини янада ошириш, жумладан, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларида умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш ва тармоқ жадалларини ишлаб чиқиш каби мақсадлар белгиланган.

Бу мақсадларга нафақат ички бозордаги ижобий ўзгаришлар, балки ички бозорни ҳаракатга келтирувчи муҳим омиллардан ҳисобланган хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш асосида эришилади.

Сўнгги олти йилда мамлакатимизга хориждан қарийб 50 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Бу даврда саноатга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 7 баробар ошди ёки сўнгги уч йилда хориждан 14 миллиард долларлик асбоб-ускуналар олиб келинди.

2022 йил охирида 2,5 миллиард долларлик тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса, 2023 йилда мамлакатимиз инвестициялар жалб қилувчи импортчи МДХ давлатлари орасида Қозоғистондан (27,2 фоиз) кейинги оқини погонани (19,8 фоиз) эгаллади.

Марказий Осиё мамлакатлари, асосан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро тўғридан тўғри чел эл инвестицияларининг ҳажми 2023 йилга келиб, 2016 йилга нисбатан қарийб икки баробар ўсди.

2023 йилда мамлакатимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми

кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпдир. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 53,4 фоизни ташкил этди.

Тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар таркибиде хорижий инвестициялар 94,5 триллион сўми, ёки жамига нисбатан 50,3 фоизни ва мос равишда хорижий кредитлар 93,4 триллион сўми ёки 49,4 фоизни ташкил этди.

Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 21,2 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 2022 йилга нисбатан 130,3 фоизга етди. Хусусан, жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, технологик қурилмаларни модернизация қилиш ва алоқа тизимини кенгайтириш, қуввати 32 мегаватт бўлган иккита газ турбина қурилмаларини қуриш, умумий қуввати 900 мегаваттдан кам бўлмаган навабдаги иккита буғ-газ турбинасини қуриш билан “Талимаржон” ИЭСни кенгайтириш ҳамда табиий газ назорати ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткич ва ўсиш суръатини тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келиб, 2022 йилга нисбатан қарийб икки баробар ортди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сирдарё ҳамда Бухоро вилоятлари ҳамда тўғри келиб, мос равишда 81,6 ва 64,3 фоизни ташкил этди.

Тўғридан тўғри ва кафолатланмаган 100,6 триллион сўмлик хорижий кредитлар ҳисобидан йирик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Сирдарё вилоятида қуввати 1500 мегаватт бўлган янги электр станциясини қуриш, 2021-2025 йилларда республика нефть-газ ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бориш, Тошкент вилоятида “Ешил-1” конини ўзлаштириш, 2020-2030 йилларда нефть қазиб чиқариш ҳажмларини ошириш дастурини бажариш, Бухоро вилоятида қуввати 500 мегаватт бўлган қуёш электр станциясини, Сурхондарё вилоятида газ-кэм комплексини қуриш, 2017-2023 йилларда углеводород хомашёси қазиб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича дастури амалга ошириш ҳамда Самарқанд вилоятида минерал ўғитлар қазиб чиқариш комплексини ташкил этиш лойиҳаларидир.

Асосий капиталга ажратилган инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибиде ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилаётгани муҳим аҳамият касб

этади. Жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестицияларнинг 100,6 триллион сўми ёки 28,6 фоиз янги автомобиль моделлари, техник ва (CO₂), минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пахта тўқимачилик ва агрокластерлар ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳаларини ўзлаштиришга жалб қилинган.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткич Навоий вилоятида 24,3 миллион сўм, Тошкент шаҳрида 22,6 миллион сўм, Сирдарё вилоятида 16,9 миллион сўм миқдорда қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил бошида инвестицияларнинг жалб этиш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилда инвестиция сибастини юритиш билан боғлиқ вазифалар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар тақдироти билан танишди.

Амалга оширилган ишлар таҳлил қилинар экан, жорий йилда хорижий инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунда асосий эътиборни электротехника, машинасозлик, қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик ва чарм тармоқларига қаратиш, “яшил энергетика”ни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Йирик инвесторлар билан манзилли ишлар, инвестицияларнинг жалб қилишда иқтисодий дипломатияни ва чет элдаги дипломатик ваколатхоналар иштирокчини кучайтириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳудудлардаги махсус зоналардан ҳамда саноат кооперацияси имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш зарурлиги кўрсатиб берилди. Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари инвестиция масалаларини ҳал этишда саноат тармоқлари билан яқиндан ишлаши, асосий эътиборни ҳудудларда иқтисодий диверсификация қилиш, янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратиши шартлиги айтиб ўтилди.

Халқаро молия институтлари маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни ўз вақтида ўзлаштириш, ушбу маблағларни устувор равишда ижтимоий инфратузилма ҳамда сув ҳўжалиги лойиҳаларига йўналтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, жорий йилда грант маблағларини жалб қилишнинг фаворитлари, экология, атроф-муҳитни муҳофаз қилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим, фан ва инновация соҳаларида хорижий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Янгича ёндашувлар

2008 йилдан буён маҳалла тизимида ишлаб келаётган Наргиза Элмуродовани маҳалла-қўй “раис бобо” деб қақришганида дастлаб ийманди. Аёл кишини ҳам ҳеч “раис бобо” дерканми? Бир оз жаҳли ҳам чиқди. Эриш туюлди. Ўзини кўзгуга ҳам солиб кўрди. Кейинчилик ўрганиб кетди. Эл хурматлаб, ишдаги эркакларча шижоатини шундай баҳолабдими, кўнгил тўқ. Маҳалла раиси аҳолининг энг яқин ҳамқори. Чунки хонадонлардаги фаровонлик ҳам, нотинчлик ҳам кўпинча раиснинг аралашуви билан ижобий томонга ҳал этилади.

Жорий йилда Президентимизнинг 22 март — “Маҳалла тизими ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида кўра, Термиз туманидаги “Жўйжангал” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наргиза Элмуродова “Шўҳрат”

медали билан тақдирланди. Буни эшитиб қувончдан “раис бобо” кўзига ёш олди. Унинг узок йиллик фаолиятдан рози бўлиб олқишлаётган жўйжангалликларнинг юз-кўзида ҳам қувончнинг кўриши мумкин эди. Зеро, аҳолининг ўз меҳнати ортидан қадр топишда маҳаллага бош бўладиган раисда гап кўп.

Наргиза Элмуродова аҳоли даромадларини ошириш бўйича “Сайхунобод тажрибаси” — давлат уй хўжаликларига ўз имкониятларини тўлиқ ишга солишга кўмаклашиш тамойилини кенг оммалаштириш ташаббуси илгари сурилганда хурсанд бўлди. Бели маҳкам боғлаб, ишга киришди.

Жўйжангал маҳалласи Афғонистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Драйвери асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва

паррандачилик бўлган Жўйжангалда 3120 киши яшайди. Томорқадан унумли фойдаланиш мақсадида Сарвиноз Ражабова 4 сотих иссиқхона қуриб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириб бормоқда. Маҳалла раиси келиб, бошқаларга ҳам амалий ишларни ўргатишни сўраганида бажондир рози бўлди.

— Маҳалламиз намунали саналади. Бир-биримиз билан аҳил-иноқимиз, “еттилик” фаолияти йўлга қўйилгани аҳоли фаолигини янада оширди. “Сайхунобод тажрибаси”ни оммалаштириш бизда анча осон кечадди, деб ўйлайман, — дейди маҳалла раиси.

Деҳқончилик ҳақисини олган ва ундан даромад кўрган борки, ҳатто бир парча ерга ҳам умид билан уруғ ташлайди, ниҳол қадайдди. Айна шу кунларда далаларда иш қизиган, ер билан тиллашувчи миришкорларнинг юмуши кўпайган.

Йўлингиз тушиб, тоғли Бойсун томонларга ҳам бориб қолсангиз, албатта, Тузбозор маҳалласига бир кириб ўтинг. Бу ерда гулчиликни даромад манбаига айлантира олган инсонлар кўп. Ёшу қари бўш вақт топдими, томорқасида меҳнат қилади. 75 ёшни қаршилаган Қудратилло Маматқуловнинг рўзғори тўқин, фаровон ва бунинг боиси шу ҳудуд аҳлига маълум. Мазкур хонадон вақиллари яхши яшаш учун имкониятни, аввало, ичкаридан қидирган, тасарруфидеги томорқадан оқилона фойдаланган. Ҳар мавсумда оила бюджетига келаётган даромад ҳам шу сабаб-ҳаракат ортидан.

— Бойсун тоғли ҳудуд. Иссиқхоначилик авваллари қийин туюларди. Ишнинг кўзини билсангиз, тошда ҳам гул ундириш мумкин экан. Тузбозорликлар ҳозир четдан иш изламай, кичик томорқасидан миллион-миллион сўм фойда олмоқда, — дейди Қудратилло бобо.

— Гулчилик билан шугулланиб ҳам бойиш мумкинми, дейишса, албатта, деб жавоб берган бўлардим, — дейди шу маҳаллада яшовчи Фахриддин Рўзиев.

“Сайхунобод тажрибаси” Сурхондарёда ҳам оммалашмоқда



Унинг айтишича, ҳар йили мавсумда сотадиган гуллар орасида баҳоси 100-150 минг сўмликлари ҳам бор. Албатта, сотилган гулларнинг уруғидан яна кўчат етиштириб, кўпайтирилади. Лекин бу бир оз қийин. Бунинг учун боғбондан алоҳида меҳр ва эътибор талаб этилади. Дарвоқе, ушбу иссиқхонадаги гуллар тури 20 хилдан ошади.

Ҳақиқатан, бойсулик бободеҳқонлар унумдор тупроқ, ҳосилдор ерининг ҳар қариндан самарали фойдаланишга одатланган. Улар об-ҳавонинг инжиқлигига ҳам қараб ўтирмайди. Сабр билан меҳнат қилади, ҳар мавсум саховатини қадрлайди. Беминнат заҳмати ила нафақат ўзи, балки эл рўзғорини бут, дастурхонини тўқис қилади.

Жарқўрган туманида томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган оилалар жуда кўп. Жумладан, Авлод, Окқўрғон, Қораёғоч сингари маҳаллалардаги

қатор оилалар қафдеккина ердан ҳам самарали фойдаланади. Вилотнинг шимолий туманларида ҳали баҳорги юмушларга тайёргарлик қўрилайётган бир пайтда бу маҳаллалар аҳолиси илагага олинган ер ва томорқасидаги қарам, жаврага ёки картошқасини бозорга чиқаришга улгуради. Биргина мисол. Қораёғоч маҳалласида бундан уч йил олдин ўзини ўзи банд қилиш, даромад олиши учун ер майдонларини аҳолига ажратиб берилган эди. Ушбу ердан самарали фойдаланиб келаётган деҳқонлардан бири Тўра Нормуродов кўни кеча жорий мавсумдаги биринчи ҳосилни йиғиб олди.

Музаббот туманида 37 та маҳалладаги 21 мингдан зиёд аҳоли хонадонини иқтиёрида 4 минг гектарга яқин экин майдонини мавжуд. Жорий йилда 1600 гектардан зиёд эртган, 2200 гектарга яқин тақорий экин ҳамда 3000 гектардан ортиқ майдонда тўқсонбости сабабот экинлари экилиши режалаштирилган.

Тумандаги Меҳнатобод маҳалласида яшовчи Муродилла Панжиев 30 сотих томорқага тўқсонбости пиёз эккан.

Меҳнатобод маҳалласи пиёз етиштиришга ихтисослашган. Шу боис, маҳаллий аҳоли бу ишнинг ҳақисини олган. Эндиликда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида йўлга қўйилган ташаббуслар “Сайхунобод тажрибаси” асосида янада ривож топади.

Денов тумани Озод маҳалласида яшовчи Сарвара Абдумўминова уй шароитида қўзқорин етиштириди. Унинг даромади йил сайин ортиб борапти.

— Қўзқорин етиштириш учун катта сармоя, алоҳида жой ва ускуна зарур эмас. У нам ва салқин ҳавони ёқтиради. Бу жиҳатларни яхши ўрганган, уй ертўласида қўзқорин парваришини бошлаб юбордим, — дейди у. — Биласизми, турмуш ўртоғим хорижга кетиб ишлашини айтганида, келинг, ўзимизда иш бошлайлик, шароит бор-ку, деганимда унамаганиди. Мен эса тавakkал қилиб, уй ертўласида қўзқорин парваришини йўлга қўйдим. Ҳозир қўзқориннинг килосини 30-35 минг сўмдан сотяман. Қизғин, ҳозир мен кўпроқ даромад топяман. Турмуш ўртоғим келиши билан ишни янада кенгайтирмоқчимиз.

Тадбиркор аёлнинг айтишича, уйда қўзқорин етиштириш қийин эмас. Бу фаолият аёлларга жуда мос иш. Энг муҳими, ундан келадиган даромад юқори. Сарфлаган бир сўмингиз уч сўм бўлиб ўзингизга қайтади.

Қўзқорин гўшт ўрини босадиган, турли касалликларга шифо неъмат. Бу маҳсулотта ички бозорларимизда талаб юқори. Шу боис, Сарвара оланинг уйдан харидорлар изи узилмайди. Бугунги кунда у етиштираётган қўзқорин қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилляпти. “Маҳалла етигилми”, сектор раҳбарларининг таъкидлашича, мазкур хонадон уй шароитида қўзқорин етиштириш билан шугулланаётган қалдирғоч оила саналади. Қизикувчиларга энди Сарвара Абдумўминованинг кўмаги, маслаҳати асқатиши тайин.

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида томорқа ер эгаларининг 49,5 миң гектар экин майдони бўлиб, 42,4 миң гектарга қўзқорин йил ҳосили учун 2023 йилнинг кўз ойлариде тўқсонбости экинлар экилган. Улардан 2024 йилнинг март-май ойларида жами 782,5 миң тонна ҳосил йиғиб олинди режалаштирилган. Шунинг 548,5 миң тонна эш истеъмол ва ички бозорга, 234 миң тонна эса экспортга йўналтирилади.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

9 апрель – Амир Темури таваллуд топган кун

Буюк шеър

Янгилаётган Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини яратишда улуг боболаримизнинг илмий салоҳиятини бугунги кунимизга татбиқ этганидан аввал Соҳибқирон Амир Темурининг беназир ўғитларидан унумли фойдаланиб, унинг маърифий қарашларини бугунги ёш авлод онгига чуқурроқ сингдири олсак, замондошларимиз руҳий оламида юртни севиш, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулари янада жўш уриши табиий.

Ватан энг кичик гўшадан, ўзинг туғилиб ўсган қадрдон ериндан, остондан бошланади. Аслида, ватан қалбада яшайди! Бу юртимизда эгаллик ҳисси, ўзи туғилиб ўсган маконга муҳаббат туйғулари хар бир қалбга кириб бораётганини кўрсатади. Шунинг уйлаганинда хаёлида қачонларидир, салкам етти юз йиллар аввал Соҳибқирон Амир Темури мўғуллар зулмидан пароканда бўлиб ётган қалбадан она юртни бирлаштириб, буюк давлатимизга асос солгани, уни дунёга кўз-кўз қилгани жонланади.

Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди, деганида нақадар ҳақ эди. Президентимизнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”, деган даъвати эса Амир Темури ўғитларига ҳамоҳанг бўлиб жаранглаб туриди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратишда буюк бобомиз ҳам азия қатъий деганда, шубҳасиз, маънавияти юксак инсонларни назарда тутган. Ўзбекистонимизнинг буюк келажакини ҳам илми юксак, маънавияти юқори инсонларгина қура олади.

Учинчи Ренессанс пойдевор қўяр эканмиз, маънавият ва маърифат қўш қанот бўлиб турибди. Илм-маърифат, китобхонлик юксак маънавият даражасига кўтарилди. Китобга, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга эътибор ёшларга куч ва шижоат бағишламоқда. Ўзингиз бир ўйланг, қайси мамлакатда кўп китоб ўқиганга, китобхон авлодга автомобиль совға қилинган? Бу фақат диёримизда йўлга қўйилган ўзинга хос маънавий ташаббусдир. Бундай ташаббуслар ўсиб келаётган ёш авлоднинг эртанги ёрғак келажиги ва қомил инсонлар бўлиб камол топишини ўйлаб қилинаётди.

Юртимизда азал-азалдан яхшилик ва эзгулик йўлида хайрли ишлар амалга оширилган. Инсон маънавияти бош омили ҳисобланган. Фозил инсонлар ҳар ерда ва ҳар вақт қадрланган. Амир Темури айтган: “Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузола ва шайхонларга таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга

суюроғол, вазибалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улугларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим”. Бундан англашдики, чинакам юртпарвар, элпарвар хоқон ана шундай эзгу ишларга ҳамиша ҳозир нозир бўлган. Мамлакатимизда кечаётган бугунги маънавий ўзгаришларни ҳам худди шунга менгаш мумкин.

Давлатимиз раҳбари “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, дея бежиз таъкидламаган. Зеро, ёшлар онгига миллий руҳ ва ватанпарварлик гоясини юксалтириш учун маънавий сув ва ҳаводек зарур. Бу йўлда, энг аввало, зиёлиларга, маънавият ва маърифат ходимларига, ижодкорлар қатламига таяниб иш кўрилатгани ҳам ана шундан далолатдир.

Юртимизда миллий гоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизда Маънавият ва иқтисодиёт қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилгани қувонарлик ҳолдир. Жамғармага 120 миллиард сўм ажратилиб, бу маблағнинг 90 миллиард сўми ҳудудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўми Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва 10 миллиард сўми мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга йўналтирилиши кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Бу ташаббусни фақат қўллаб-қувватлаш керак.

“Хар бир диёр аҳолисининг аҳолидан огоҳ бўлиб турдим. Хар бир мамлакатнинг аҳолини, сипоҳу раият кайфиятини, турмушларини, хулқ-атворларини, қилиш-қилмишларини, булар ўртасидаги алоқаларни ёзиб менга билдириб туриш учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар белгиладим”.

Соҳибқирон бобомизнинг юқоридаги сўзлари айнан бугунги кунимизга, маънавий-маърифий ишларга жуда мосдек, узқини кўриб қилгандек туюлади. Бобомиз ўқитганидек, айнан ҳозир тўғри сўзли, тўғри қаламли кишилар жуда зарур.



Юртимизда кечаётган бугунги ўзгаришлар, маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлардан қутилган асосий мақсад ҳам инсон омилига, бахтли-саодатли ва айни пайтда бугунги кундан рози бўлиб яшашга қаратилган. Барча жабҳаларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Маънавиятимиз ва унинг ривожини учун кетаётган қизғин курашлар асосида, фикримча, Халқаро Амир Темури жамоат фонди зиммасига ҳам қўлтуғ вазибалар юкланади. Фонд фаолиятида трансформация ишлари амалга оширилди. Навбатда фонднинг янги концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Унда тарихимизнинг олтин даври бўлган Амир Темури даври ва тарихини теран ўрганиш, Соҳибқирон ҳаёти ва шахсини, бу улкан умир моҳиятини тўла, чуқур англаб етиш йўлида дастур тайёрлаш лозим. Асосий мақсад ушбу улуг тарихини бутун кўрк салобати, мазмун-моҳияти билан даставвал эртанги умидимиз бўлган ёшларимиз, бағрикенг халқимиз юрагига жойлашдан иборатдир. Ҳозир Амир Темурининг маънавий-маърифий қарашларини янада кенгроқ, батафсил ўрганиб бориш учун мактабларда, ўқув юртиларида “Соҳибқирон сабоқлари”, “Амир Темури ва янги Ўзбекистон” дарслари ташкил этилса, айни муддао бўлур эди. Албатта, масалани тегшилик мутасадди ташкилотлар бир ўйлаб кўриши керак. Шунингдек, халқимизнинг олтин тарихи ҳақидаги ҳақиқатни кенг ёйиш ниятида мамлакатимиз шаҳарларида, қишлоқ ва маҳаллаларда, олий ўқув юртиларида, мактаб

ва лицейларда тизимли равишда Соҳибқирон ҳаётига, даври ва тарихига бағишланган турли конференциялар, анжуманлар ўтказиш, қишқикли сўхбатлар, мулоқотлар, учрашувлар уюштириш, уларга танқиди адиблар, темуришунос олимларни жалб этмоқ мақсадга мувофиқдир.

Амир Темурининг гоявий йўналишлари, тузуқлари, ўғит ва насихатлари янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги гоявий йўналишларга жуда-жуда ҳамоҳандир. Ахир оқман дарё оқаради... Қайси бир соҳани оймайлик, барча жабҳаларда Соҳибқирон сабоқлари айнан дастуруламалдек туюлади. Гўёки улуг бобомиз зиёли ва уламоларимизга илму адаб йўналишидаги ўғитларини, тadbиркорю хунармандларга азму шижоат ва қатъийлик борасидаги пурмаъно насихатларини, ҳарбийларга темир интизом, мардик ва жасорат, фидойиликка ундовчи гояларини худди бутун ёнимизда туриб айтаётгандек туюлади.

Сўзни мухтасар қилсак, мамлакатимизнинг буюк келажакини Амир Темури айтганидек, азия қатъийлар, шижоат соҳиблари, мард ва олижаноб инсонлар қуради. Биз барчамиз эса ана шу даъватларга муносиб бўлишга интилайлик.

Ашурали БОЙМУРОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Адабий ҳамкорлик – абадий ҳамкорлик

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит-турк” асари туркий халқларнинг тарихи, тили, яшаш тарзи, урф-одати ҳақида қимматли маълумот берувчи асосий ишончли манбадир. У тилшуносликнинг дастлабки илмий асари бўлибгина қолмай, туркшунослик тарихида яратилган асарларнинг энг мукаммали ҳисобланади. Шу боис, Маҳмуд Кошғарийни буюк тилшунос ва туркшунослигимизнинг асосчиси десак, адашмаган бўламиз.

“БУ КИТОБГА ҲАҚИҚИЙ ҚИЙМАТ БЕРИЛМАК ЛОЗИМ БЎЛСА, ЖАҲОННИНГ ҲАЗИНАЛАРИ КИФОЯ ҚИЛМАС”



Озарбайжонлик ижодкор дўстларимиз “Девону луготит-турк” асари Озарбайжон Миллий Фанлар академияси (АМЕА) Президиуми қарори билан Тилшунослик институтида 3 жылда нашлаб топилган асарнинг ҳақида хабар берганида бошимиз кўкка етди. Дарҳол бу хабар ортида турган маълумотларни излашга киришдик. Айни кунда туркий тилида сўзлашувчи халқлар учун қимматли бўлган асарнинг 1-жилди нашрдан чиққан маълум бўлди. Насимий номидаги тилшунослик институти директори, профессор Ноҳир Маммадди раҳбарлигида чоп этилган китобга Озарбайжон Миллий Фанлар академияси президенти, академик Исо Ҳабибайли сўз боши ёзган.

Кўпчилик келатган бу таржимон мени ҳаминша қизиктирган. “Содқлик бурчи” номли мақолам матбуотда эълон қилинган, менга Халид Саиднинг Канадада яшовчи қизи Баҳида хонимдан мактуб келди. Мен учун ниҳоятда қадрили бўлган ушбу мактубда қуйидагилар битилган эди: “Отам ҳақидаги мақоламизни ўқидим. Сизга миннатдорчилигимнинг чегараси йўқ. Адалат ҳукми сурганидан сўнг кўплаб мақола ва китоблар нашр этилди. Аммо шунинг айтишим керакки, сиз ўз мақолаңызда Халид Саид Хўжаев ҳақида батафсил ва адалатли сўз юритишга ҳаракат қилгансиз. Бунинг учун алоҳида ташаккур билдираман. Ҳаётимнинг ушбу даврида сиз мени доимо ўйлашга мажбур қилган ва хатларингиздан хурсандман. Алоҳ умрингизни узок қилсин, шлоҳим. Ўшунинг, Канадада доим сизни дуо қилувчи Халид Саиднинг қизи Баҳида ва унинг набираси бор”.

Халид Саид ҳақидаги тасавурларимизни бойитиш мақсадида Ўзбек адабиётшуноси Марҳабо Кўчқорованинг “Утган кунлар озар тилида” номли мақоласи билан танишдик. Унда қайд этилишича, туркиялик олимлар Мустафо Тоқер ва Уфук Денгиз Алпчи ҳамкорлигида Анкарада 2006 йилда Халид Саид Хўжаевнинг “Янги алифбо йўлиларида эски

хотира ва туйғуларим” китоби қайта нашр қилинади. Мазкур китоб нашрига “Халид Хўжаевнинг ҳаёти ва асарлари” мақоласи илова этилган, унда шундай дейилади: “Аҳамиятли олим бўлишига қарамадан, Туркияда, ҳатто бир урм яшаган юрти Озарбайжонда ҳам шу кунга қадар ҳеч танилмаган, тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолган, ёзилган бўлса-да, жуда оз, батафсил еритилмаган Халид Саид Хўжаев, асли Ўзбек турқдир”.

Дарҳақиқат, Халид Саид Хўжаев 1888 йили ҳозирги Тошкент вилоятининг Байтқўрғон қишлоғида туғилган. Мактаб таълиминдан сўнг, Тошкент мадрасасида олти йил тахсил олади. Мадрасада араб ва форс тилларини ўрганади. 1914-1918 йиллари Истанбулда Адабиёт факультетида ўқийди. 1918 йили тахсилни тугатиб, она юртига қайтади. Бу пайтда Октябрь тўнтарыши воқеалари бўлаётган давр эди. Шунинг учун Халид Саид Озарбайжонга қайтиб кетади, мактабда ўқитувчилик қилади. Аммо бу ерда ҳам ички ихтилофлар тўғрисида яна Тошкентга қайтади. 1920-1922 йиллар орасида Тошкентда ишлайди. Соғлиғи тўғри келмагани учун 1922 йил октябрда Бокуга қайтади. 1922-1926 йиллари Балахани муҳандислик факультетида ва Гусар техник таълим мактабида ўқитувчилик қилади. Бокугади самарқандлик харбий аскарлар ётоқли мактабида ва Ўзбекистон Консул меҳмонхонасида мудири лавозимида ишлайди.

1926-1934 йиллари Озарбайжон Етук ўқитувчилар тайёрлаш институти ва бошқа ўқув ташкилотларида фаолият юритади. 1934 йил сентябрь ойидан профессор Вали Хўлуфлу йўналмаси билан Озарбайжон Фанлар академиясининг тилшунослик бўлимига ишга қабул қилинади, 1937 йил 3 июль куни ҳибсга олинади.

Халид Саид 1926 йилда Бокуда ташкил этилган “Биринчи Туркологлар қурултойи”да иштирок этиб, алифбо, адабий тил масалалари ҳақида дадил фикрлар билдиради. Унинг манбааларда кўрсатилган китобларига назар ташласак, чиндан ҳам туркий тиллар ривожини борасида кўп ва ҳўп қайғургани аён бўлади. Айниқса, “Янги алифбо йўлиларида эски хотира ва туйғуларим” (Боку, 1929), “Мухтасар услубиёт” (А.Тазода билан ҳаммуаллифликда, Боку, 1933, 1934), “Утган кунлар” (Абдулла Қодирийнинг “Утган кунлар” романининг озарбайжон туркчасига таржимаси, Боку, 1928, 1929), “Услубиёт назариси” (йўқолган), “Турк тилларининг тарихий грамматикаси” (йўқолган), “Девону луготит-турк” (таржима, йўқолган), “Чингай адабиётининг муҳозиралар” (номаълум), “Туркистон тарихининг қисқа тарихи” (номаълум), “Турк адабиёти назариси” (номаълум), “Эрон тилларининг грамматикаси” (номаълум), “Урхун обидаларининг таржимаси” каби илмий мақола ва таржималарида олимнинг туркий тилларга бўлган асл меҳри ва эхтироми намён бўлган.

Эътибор қилган бўлсангиз, юқорида келтирилган манбада “Девону луготит-турк” асарининг озарбайжонча таржимаси йўқолган, дейилган. Айни пайтда ушбу таржиманинг топилгани чиндан ҳам катта воқеадир. Оранд 86 йил ўтиб, 2023 йили профессор Ноҳир Маммадди мазкур ноёб манбани даставвал топди.

Шу ўринда озарбайжон олимаси Алмаз Ули Биннатовадан Халид Саидга қўйилган сиесий айблар ҳақида сўрадик. Олима саволимизга шундай жавоб берди: — Халид Саидга бир эмас, бир неча сиесий айблар қўйилади: 1916 йилдан бери пантүркизм фаолияти билан шугулланган, 1925 йилда Озарбайжонга келган, Азиз Губайдуллиннинг пантүркист ташкилотига кирган, айниқса, ёш ўқувчилар

орасида зарарли гоялар тарқатган. Шунингдек, Вали Хўлуфлу, Гулом Бағиров, Зифедд, Жаббар Маммадзода, Ханифи Зейналлилар билан пантүркистик алоқада бўлган. 1918 йилда эса Истанбул университетидан бир гуруҳ талабалар билан Нури Пошонинг қўмондонлиги остида фаолият олиб борган. Фидойий Ўзбек олимидан “жосуслик”ни бўйинига олиш талаб этилади. У 1937 йил 13 октябрда Бокуда қатл этилди. Халид Саиднинг турмуш ўртоғи Сора Ризо қизин ҳам “сиесий маҳбус”нинг рафиқаси сифатида 14 йилга Сибирга сургун қилинади. Сора хоним сургундан сўнг, 1955 йил 16 апрелда турмуш ўртоғининг оқламини талаб қилади. 1956 йил 16 майда Халид Саид Хўжаев иши қайтадан кўрилиб, вафотидан ропна-роса 20 йил ўтиб оқланади.

Сўхбатимиз давомида Алмаз Ули Биннатова “Девону луготит-турк” ҳақида халқаро илмий доираларда қўй айтилгандан бир тарихий маълумотга эътиборимизни қаратди:

— 1914 йилда Туркиянинг Дибрбакир шаҳрида бир бева хотин пулга муҳтож бўлганидан китобфуруш дўконига эски қўләмани олиб келиб: “Менга бу китобни қолдирган марҳум, агар қийналиб қолсангизна шу китобни сотишимни, лекин 30 лира олтидан кам нархга рози бўлмаслигини тайинлаган”, дейди. Китобфуруш қўләмани бунчалик қимматга олгисини келмас-да, “Китоб дўконда тура турсин, харидор чиқса пулини олмасиз”, дейди. Харидорлар келиб-кетаверида, биронтаси бу “эски қўғозлар”ни 30 лира олтинга олгисини келмайди. Ниҳоят, дибрбакирлик китоб ишчибозларидан бири Али Амрий афанди дўконга келиб, бу кўрimsиз қўләзмага харидор бўлади. У китоб билан танишиб чиққач, шундай дейди: “Китоб олдим, уйга келдим, емак-ичмакни унутдим. Бу китобга ҳақиқий қиймат берилмак лозим бўлса, жаҳоннинг хазиналари кифоя қилмас”. Кейинчалик маълум бўлишича, бу китоб “Девону луготит-турк” деган шоҳ асар бўлиб, Маҳмуд Кошғарий қўли билан ёзилган асл нусхадан кўчирилган экан. Қўләзма хозирги кунда



Али Амрий Миллий кутубхонасида

Истанбул Миллий кутубхонасида Али Амрий фондига сақланмоқда. Таъкидланганидек, ситиб олиш учун дунё хазиналаринда кифоя қилмайдиган ноёб асар туркий тиллар тарихи ва бугунги ривожда жуда катта аҳамият касб этади. Мазкур асар таржимаси ва тарғиботи учун ўз ҳаётини тиккан олим Халид Саид Хўжаев номи эса XX асрнинг нотинч тарихида ўз миллий ва маънавий меросини сақлаб қолган, шунингдек, илгор гоялар билан янги тараққиёт йўлига кирган бошқа машҳур турколог олимлар билан бир қаторда туради, унинг илмий асарлари ва таржималари жиддий ўрганилиши зарур.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўләзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Бюджет — 44543 хусхуда босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 21:30 Топшириди — 23:35